



# ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

4 апрель, сешанба, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 65 (1067)

## ЎЗБЕКИСТОН — МОЛДОВА: ҲАМКОРЛИК ЧОРРАҲАЛАРИДА

Илгари хабар қилинганидек, республикамиз Президент Ислам Каримов Президент Мирча Снегур тақдирини буюн 30-31 март кунлари Молдова Республикасида расмий сафарда бўлди.



СУРАТДА: учрашув пайти. П. НУРИТДИНОВ олган сурат.

Кутаринки руҳда ўтган сафарнинг дастлабки кунини икки мамлакат раҳбарлари ўзаро муносабатларни ривожлантириш, фан-техника, маданият ва санъат, почта хизмати, алоқа, банк соҳаларида ҳамкорлик, самолётлар қатновини йўлга қўйиш, икки томонлама солиқ соҳасидаги тўғрисидаги ўндан зиёд ҳужжат имзоланди. Республикаимиз Президентини шу кунини кечкурун давлат тантаналари саройида Молдова халқ хўжалиги, йирик саноат корхоналари раҳбарлари, иш-бизнесменлар билан учрашди. Халқларимиз дўстлигини азалийдир, — деди уртбошимиз — Ўзбекистон халқи Тошкент элидан келиб қолган Молдова халқининг дўстона ёрдамларини унутган эмас. Бугун биз мустақил Ўзбекистон номидан эски дўстлик ришталарини янгидан мустаҳкамроқ боғлаш учун бу ерга келдик. Ўйлаيمانки, ҳозиргина имзоланган ҳужжатларимиз соҳиб-иттифоқ таъассуфидан сўнг издан чиққан алоқларимизнинг янги иқтисодий шариати талаби асосида тикланишига ҳуқуқий қаролик бўлиб, икки мустақил давлат халқлари манфаатларига хизмат қилади.

Президентимиз ўзаро ҳамкорлик ҳақида гапирганида залда жонланч сезилди. Самимий мулоқот бошланди. Тирасроқ ип газлама корхонасининг бош директори ўринбосари Тенченко юртбошимизга мурожаат қилиб, жамоаси тўрт ойдан буён ишсизлигини, Ўзбекистон пахтасига умид билан кўз тиклаётганини айтди. Шу соҳанинг бошқа бир вакили эса мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик Молдованинг ижтимоий муаммолари ҳал бўлишига кўмаклашишини таъкидлади. Молдова Республикаси Президентини Мирча Снегур республикамиз Президентининг расмий таширифи муносабати билан берган баёнотида Молдова халқи, Молдова ҳукумати мазкур ташириф натижаларига катта умид боғлаётганини изҳор қилди. Фурсат топиб Президент Мирча Снегурдан Ўзбекистон Республикасидаги туб ўзгаришлар, жумладан, республикамиз Президентини ваколатларини 2000 йилгача узайтириш ҳақида ўтказилган умумхалқ Референдуми тўғрисида фикрини сурадик. — Биз, Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда туб иқтисодий ислохотлар ўтказиладиганидан хабардоримиз, — деди М. Снегур. — Мамлакатимизда бозор иқ-

ки, Молдовада ишлаб чиқарилаётган шakar, дори-дармон, қишлоқ хўжалиги техникаси, электр-техника асбоб-ускуналари, суғоришда фойдаланиладиган насосларга республикамизда эҳтиж бор. Молдова саноати равақи эса кўп жиҳатдан Ўзбекистон пахтасига, кимёвий тола, қаттиқ металлларга боғлиқ. Бу икки томонлама ҳамкорликни тақозо этади. Сафарнинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини И. Каримов Молдова Республикаси парламенти раиси П. Лучинский ва парламент кўмиталари раҳбарлари билан учрашди. Ўзаро сўбат чоғида Ўзбекистон ва Молдова ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда икки мамлакат парламентарлари алоқаларининг ривожланиши мўҳим аҳамиятта эга экани таъкидланди. Шу кунини республикамиз Президентини Молдова Республикаси Президентини ҳамроҳлигида Кракова шаҳридаги Вино-шампан ичимликлари корхонасини бориб кўрди. Самарали ўтган сафар Кишинёв аэропортида республикамиз Президентини Ислам Каримовга катта ҳурмат-аҳтиром кўрсатилган тантанали кузатиш маросими билан яқунланди. Президентимизга Молдова сафарига Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б.Шоиде-ва, Бош вазир ўринбосари Ю. Пайгин, таъқи ишлар вазирини А. Комиллов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди. Уқтам МИРЗАЕВ, Тошкент-Кишинёв-Тошкент.

## ГФР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов тақдирини буюн Германия Федератив Республикаси федерал Президенти Роман Герцог шу йилнинг 11-13 апрель кунлари давлат таширифи билан Ўзбекистонга келади.

АНГИЛИКЛАР \* ФАКТЛАР \* ВОКЕАЛАР  
**ЎЗБЕКИСТОН:**  
ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ  
«Халқ суян» ва УЗА мухбирлари хабар қиладилар

**СИРДАРЕДА МОЛДОВА ФИЛЬМЛАРИ**  
Сирдарё вилоят кинолаштириш ва киношжара бошқармаси аҳолини янги кинофильмлар билан таништириш, жумладан, чет эл фильмлари олиб келиш борасида ижобий ишланишлар олиб бормоқда.

Ўтган йили Молдова Республикаси атросанот концерни қошидаги «Трилада» фирмаси билан шартнома тузилиб, 10 та кинофильм олиб келинди. Фильмлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Бу йил Молдова киночилари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

**ОҚТОШ ПИШЛОҒИ**  
Бундан бир неча ой муқаддам Оқтош шаҳрида ёғ-пишлоқ заводи «Саломатлик» ҳиссадорлик жамиятини айлантириш, ишга муносабат узгарди. Қисқа фурсатда Оқтош пишлоғи, минерал сув, ҳасипмон колбаса; усимлик мойи, ун тайёрлайдиган цехлар ишга тушди. Суратда: ишчилар И. Номозов, Ф. Қувондиқов ва Н. Нигматовлар иш устида



## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
PREZIDENTI ISLAM KARIMOV  
JANOBII OLIYLARIGA**  
Муҳтарам Президент!  
Қадри қарошим Ислам Каримов жанобларини!

1995 йил 26 март кунини ўтказилган Референдумда президентлик муддатининг 2000 йилгача қадар узайтирилганлигини эшитиб беҳад мамнун бўлдим.

Ўзбек халқининг бу қарори давлатнинг келажаги ва бошланган ислохотларнинг муваффақияти билан амалга оширилиши учун шарофатли бўлишига ишончим комиллигини билдириб, Сиз зоти олийларини энг самимий туйғуларим ила қутлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз зоти олийларига ва қардош ўзбек халқига соғлиқ-саломатлик, фаровонлик ва бахт тилайман.

Сулаймон ДЕМИРЭД,  
Туркия Республикаси Президентини.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
PREZIDENTI ISLAM KARIMOV  
JANOBII OLIYLARIGA**  
Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич!  
Ўзбекистонда ўтказилган умумхалқ Референдуми натижаларига мувофиқ президентлик ваколатларининг муддати 2000 йилгача қадар узайтирилгани муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз. Ҳозирги пайтда Сиз жаҳон ҳамжамиятининг назарида ҳақли равишда қардош Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, иқтисодий фаровонлик ва миллатлараро тотувлигининг қафолати ҳисобланасиз.

Сизнинг минтақамиздаги мамлакатлар билан яқин қўшнчиликни мустаҳкамлашга, уларнинг мустақиллигини ҳурмат қилишга ва қўшни давлатларнинг яқин ишларига аралашмасликка асосланган пухта ўйланган доно сиёсатининг тўғрисида Ўзбекистоннинг тарихий сиёсий-жўғроғий мавқеи ушбу давлатлар томонидан эътироф этилди ва ҳурмат қозонди. Ўзбекистон сўзсиз равишда минтақадан кўнрақ ўзини эгалаб турибди ва бутун Марказий Осиёда умумий вазиетини ҳал қилувчи даражада белгилаб бермоқда. Асосий мақсади тинчлик, дўстлик ва бунёдкорликдан иборат қишининг давлат бошида бўлгани ва бундан буён ҳам давлат бошлиғи бўлиб қолаётганидан хурсандим.

Референдумдаги катта ғалаба билан яна бир бор табриклаган ҳамда Сизга, қариндош-уруғларининг ва яқинларининг бахт-саодати, тинчлик ва фаровонлик тилашига рўхсат этгайсиз.

Зур ҳурмат билан,  
Медетхон ШЕРИМҚУЛОВ,  
Қирғизистон Республикаси Олий Кенгаши Тўра Оғаси.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
PREZIDENTI ISLAM KARIMOV  
JANOBII OLIYLARIGA**  
Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич, Ўзбекистон халқи Президентини ваколатларини муддати 2000 йилгача узайтирилгани билан Сизга йўллаётган самимий табригимни қабул қилгайсиз. Ўзбекистон Республикаси Сизни халқ манфаатлари ўз ҳаётининг моҳияти ва мақсади бўлган муносив раҳбар деб билади. Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик бундан буён ҳам бошқа ҳамдўстлик давлатлари учун яқин қўшнчиликнинг эркин намунаси бўлиб хизмат қилади, деб қатъий ишонч билдиришга рўхсат бергайсиз.

Самимий ҳурмат билан,  
В. СИРОВ,  
Россия Федерациясининг МДХга аъзо давлатлар билан ҳамкорлик ишлари вазири.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
PREZIDENTI ISLAM KARIMOV  
JANOBII OLIYLARIGA**  
Хурматли Ислам Абдуғаниевич!  
Россия Федерациясида яшаб, меҳнат қилаётган «Ватандош» жамияти жамоаси аҳли номидан Сизни, Сиз орқали бутун жонанон мустақил Ўзбекистонимиз фуқароларини умумхалқ байрами — Наврўзи олам билан чин кўнгиладан муборакбод этишга рўхсат бергайсиз.

Мустақил Ўзбекистонимиз шакар-қишлоқларига ёйлаётган баҳор уфурини, уйғонини ва янгиликни оми — янги йилнинг омадли ва баракали келишидан хушбахтар тарқатмоқда. Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич!  
Ўтган Наврўздан бу йилги Наврўзгача сизнинг раҳнамолигинингизда республикада кўнлаб кўзга қўринадиган хайрли ишлар амалга оширилди. Бизнинг ҳам ватанимиз бўлган Ўзбекистоннинг обрў-эътибори янада ошди, мустаҳкамланди. Она дийримизда юз бераётган ҳар бир хайрли тадбирдан, янгиликлардан биз — Россиядаги ўзбекистонликлар хабардоримиз, албатта. Янги парламентга ўтказилган демократик сайлов ҳамда илк бор сайланган Олий Мажлис мустақил мамлакатимиз тарихидаги улуг иш бўлди. Олий Мажлис қарорини асосида Сизнинг президентлик ваколатингизни 1997 йилдан 2000 йилгача қадар узайтириш буйича ўтказилган умумхалқ Референдуми бизни ҳам ниҳоятда шод этди. Бу буюк ишлардан бизлар ўта қувончдамиз ва ўз наватидан Сизни ишонтириб айтаманки, бор куч имкониятларимизни Ўзбекистон билан Россия халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, мавжуд ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратаман.

Қадри Ислам Абдуғаниевич!  
Шундай қувончли айём — Наврўз кунинда Сизга, аҳли оилангизга ва бутун Ўзбекистон аҳолисида мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат ва янгилик-янги омадлар тилайман. Камоли эҳтиром ила,  
Фатхулла ХУҲАЕВ,  
«Ватандош» жамиятининг раиси.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Президент Ислам Каримов 3 апрель кунини Тожикистон Ислам уйғонини ҳаракати раисининг ўринбосари А. Тўражонзода, Тожикистон демократик кучлари мувофиқлаштириш марказининг раиси О. Латифий ҳамда Тожикистон Демократик партияси раисининг ўринбосари Х. Холиқназаровни уларнинг илтимосига буюн қабул қилди.

Учрашув чоғида минтақадан хавфсизликни таъминлаш масалалари, Тожикистон атрофида юз бераётган вазият ҳамда бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўллари тўғрисида фикрлашиб олинди.

Иккала томон ҳам Тожикистондаги оғир аҳволдан фақат сиёсий мулоқот йўли билан, ташқаридан бўладиган таъкидларсиз, ўзаро келишув йўли билангина чиқиш мум-

кинлигини таъкидлади.

Мамлакатнинг ҳозирги мураккаб иқтисодий ва сиёсий ҳолатида бир-бирига қарама-қарши турган томонлар, деҳи Ислам Каримов, можа ро сабабларини аниқлаш, ҳар ким ўзининг қанчалик ҳақлиги ва бошқаларининг айби нимадан иборат эканини аниқлаш билан шуғулланмасдан, юз берган фожуали воқеалар даврида оғир қўйинчиликларни бошидан кечирган ва фақат тинчлик ва бунёдкорлик меҳнатини оруз қилаётган оддий фуқароларнинг фикрига қулоқ солиш керак.

Биз Тожикистон масаласи тезроқ ҳал этилишидан ҳаммадан кўпроқ манфаатдоримиз ва тинчлик жараёнига, Тожикистон ҳукумати билан муҳолифат ўртасидаги мулоқотни илтиш билан амалга ошириш учун зарур шарт-ша-

роит яратишга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёримиз, деди Президент.

Ислам Каримов муҳолифатни улкан мақсадда эришининг ҳарбий, жангарилик усулларинан воз кечишга қақирди. Чунки, бундай усуллар тожик миллати, Тожикистон халқининг манфаатларига мулоқот мос эмас.

Минтақа мамлакатлари, МДХга аъзо бўлган давлатлар ва шубҳасиз, БМТ ҳамда ЕХТТ каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг тинчлик жараёнига катта ҳисса қўишлари мумкин эди, деб алоҳида таъкидлади Президент. Учрашув иштирокчилари Тожикистондаги миллатлараро мулоқотни бутун Тожикистон жамоатчилиги манфаатларини ҳисобга олиб, амалий руҳда давом этиришини ёқлаб фикр билдирилди.

## СИМ ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

1 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган сим орқали кенгаш ўтказди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ҳокимлари, деҳқончилик мажмуи ходимлари, барча хўжалик раҳбарлари, шунингдек, вазирликлар, давлат кўмиталари, концернлар ва уюшмалар раҳбарлари иштирок этди.

Кенгашда шу куннинг долзарб вазифалари «чипитни қисқа муддатда сифатли экиб олиш, галлачиликни ривожлантиришда амалга ошириладиган ишлар, хуусан, галлана қисқа муддатда нест-небунд қилмасдан ўриб олиш ва бўшайдиган майдонларга тақририй экинлар экиш чора-тадбирлари ҳақидаги масалалар кўрилади. Шунингдек, эртанги сабабот, озуқабоп экинлар экиннинг бориши, боғ ва ток-

зорлар барпо қилиш ва уларни парвариллаш, аҳолини қартошқа билан таъминлашнинг яқинлаш борасида қилинаётган ишлар муҳокама этилди.

Муҳокама қилинган масалалар буйича республика қишлоқ хўжалик вазири Р. Хусанов ва «Ўзқўшхўжалиқ» мунозирати давлат-кооператив кўмитаси раиси Т. Жабборов ахборот берди. Кенгашда баҳорги ишларнинг бориши ҳақида ва чипит экинни қисқа муддатда сифатли ўтказиш борасида олиб бориладиган ишлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Кенгаш қатнашчилари буйича об-ҳаво шароитини,

намгарчиликнинг кам бўлишини ҳисобга олган ҳолда жанубий минтақаларда чипит экинни 13-16 апрелгача, урта минтақаларда 18-20 апрелгача ва шимолий минтақаларда 25-30 апрелгача тутатиш юзасидан келишиб олдидилар. Шунингдек, бошқоқли дон экинларининг ривожланиши ўтган йилга нисбатан 10-12 кун эрталигини ҳисобга олиб, комбайнларни узоғи билан 20 майгача таъмирлаб, ўрим ишларини 20-25 кун ичида тутатиш чора-тадбирларини қўриш ва галладан бўшаган ерларга пешма-пеш сабабот, картошка, мош, тақриқ, соя, маккажўҳори, жанубий минтақаларда эса тезпишар гўза навлардан экишга қарор қилинди.

Кенгаш ишида республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Ҳамидов, М. Шарифхўжаев, М. Усмонов, Қ. Ҳаққулов қатнашди. (УЗА).

## СОҲИБҚИРОН ТУЙИГА ҲОЗИРЛИК

Соҳибқирон тутилган юрт — Қашқадарёда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган амалий конференция бўлди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорини асосида вилоятда амалга ошириладиган ишлар хуусида сўз борди. Амир Темурнинг буюк саркарда ва давлат арбоби сифатида жаҳонда, Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва бошқа мавзуларда маърузалар тингланди.

## ЎЗ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ҚОПИШАПТИ

Бўз туманидаги Ауғбек номи жамоа хўжалигида гилла тўқийдиган янги цех ишга тушди. Унда тўқувчи, қадрон хўжаликларидан қолгани хоҳлаган маҳаллий мактабларини битирган ёшлар ишлашяпти.

Расомлар ва цех усталари ўзлари тайёрлаган гиллалар доврўт таратиши учун жуда чиройли шакллар ва ранглар топшиган. Наврўз байрами кунлари бу гиллалар бутун жамоа хўжалиги номидан қимматбаҳо совға сифатида ёш келин-куёвларга топширилди.

## «НАВРЎЗ» БОЛАЛАРИ

Жиззахдаги «Наврўз» болалар боғчасида қишлоқларга илгирли тилини ўргатиш билан бирга бичиш-тиқиш, тўқиш, расм солин машулотларини ҳам ўтиляпти. Суратда: тарбиячи З. Пойзиева болалар билан.

## ЗАРАФШОН УСТИДА ЯНГИ КЎПРИК

Навоий вилоят «Атойўл» ҳиссадорлик жамиятининг Зарафшон дарёси узра янги кўприк бунёд этди. Қисқа фурсат ичида 18 миллион сўмлик иш бажарилди. Мазкур кўприк вилоят марказини Навбахор, Томди, Қонимех, Учқудук, Нурота туманлари ва Зарафшон шаҳри билан боғлайди, устюрт орқали Қозғистон, Россия мамлакатларига чиқиш имконини беради.

Халқимизда «Қарс икки қўлдан» деган нақд бор. Агар адолатли қонунлар яратилса, фармон ва қарорлар қабул қилинса-ю, лекин уларнинг ижроси кўнгилдайдек таъминланмаса, айтинг-чи, унда ким айбдор бўлади?!



Нафс — ҳамиша инсоният ва жамиятнинг қушандиси бўлиб келган. Башарият тарихи тажрибасидан маълумки, демократик, адолатли, фуқаролар жамияти кураман, деган давлат ўтиш даврида ана шу «балойи-азим» ни жиловлаш, унга эрк бермаслиги лозим. Чунки барча адолатсизликлар ана шу нуқтада урчилади. Ўзбекистонда, айни пайтда, ана шу масалага жиддий эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Зеро, фуқаролар жамиятининг моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳам асосан ана шундан иборат. Фуқаролар жамиятини бунёд этиш ҳаммадан аввал прокуратура ходимларининг зиммасига улкан масъулият юклайди, ўз ўрнида янада хушёрроқ ўтиришга мажбур қилади.

Яқинда Ховос туманида «ажойиб» жиноий ишнинг фош қилди. Тумандаги Бобур (собиқ Мичурин) номи ширкатлар уюшмасидан 1993 йилда Россия Федерациясининг Чита вилоятидаги Чернишевск шаҳар савдо ташкилотларига шартнома асосида 36 миллион 888 минг 55 Россия рубли миқдорига қишлоқ хўжалик маҳсулоти жўнатилади. Тузилган шартномага мувофиқ маҳсулотни олувчи томон унинг эвазига товар айрибошлаш (бартер) усулида Ўзбекистонга қурилиш материаллари ёки бошқа халқ истеъмоли моллари юбориши лозим эди. Лекин текшириш давомида аниқланишича, орадан гарчи икки йилдан зиёд вақт ўтаётган бўлса-да, Бобур номи ширкатлар уюшмасига шу кунгача 132 тонна 718 ки-

лограммлик маҳсулот ўрнига на бирор сўм пул, на бирор донга қурилиш ашёси олиб келинган. Қизиқ, шунча маҳсулот қаёққа қўйиб бўлдикин? Наҳот-

### ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

ёхуд ховослик «азамат»ларнинг 36 миллион 888 минг 55 Россия рублини қандай «ҳазм» қилиб юборганликлари хусусида

ки уни шу кунгача ҳеч ким билмаган ёки суриштирмаган бўлса? Унда назоратчилар, хўжалик маъмурияти, туман ҳокимлиги ёки бошқа масъул идораларнинг ўша пайтдаги раҳбарлари қаёққа қараздийкин?! Наҳотки, 133 тонна маҳсулот жўнатилади-ю, лекин ҳеч ким «Маҳсулот қани, нима қилдинг ёки ўрнига нима олиб келдинг?» деб сўрамайди. Ундай бўлса шунча маҳсулот қаёққа ва кимлар томонидан гумдон қилинган.

... Халқ депутатлари Ховос тумани Кенгаши депутати, туман ҳокимияти қошидаги «Ширин» фирмаси раисининг ўринбосари Абдуназар Ҳасанов Бобур номи ширкатлар уюшмасида вақтинчалик бригадир бўлиб ишлаган Абдуҳаким Ҳасанов ҳамда ҳеч қаерда ишламайдиган Ҳайдарали Мавлонбердиев ва Дўстмурод Ҳасановлар билан жинсий тил бириктириб, ширкатлар уюшмаси маъмуриятининг «ишонч»дан фойдаланган ҳолда 36 миллион 888 минг 55 Россия рублини маҳсулот қабул қилиб олган ташкилотлар кассасидан нақд олиш ҳамда жамғарма банкидаги хусусий ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан «ҳазм» қилиб юборди. Қолган икки миллион рублини эса Ҳ. Мавлонбердиев ҳеч кимдан тап тортмай жамғарма банкидаги хусусий ҳисоб рақамига ўтказди. 1993 йил 1 сентябр кунини Чернишевский шаҳар матлубот жамиятига топширилган 6 миллион

лан гумдон қилишган. Жумладан, Дўстмурод Ҳасанов 1993 йил 1 сентябрь кунини Чернишевский шаҳар савдо идораларидан бирига 20740 килограмм пиёзни 7 миллион 933 минг 50 Россия рублига топширади. Унинг тўрт миллионини ўзи жамғарма банкидаги хусусий ҳисоб рақамига, 1 миллион 300 минг рублини эса Абдуназар Ҳасановга нақд пул ҳисобидан санаб беради. Қолган пулни йўл ҳаражати эвазига нақд пулсиз шаклда тақсим қилишди.

1993 йил 27 июль кунини Чернишевский шаҳар ишчилар таъминотида топширилган 6 миллион 72 минг Россия рубли миқдорига (1825 килограмм) помидорни Д. Ҳасанов 1 миллион 52 минг рублини касса чиким ордери воситасида нақд пул, 4 миллион рублини эса жамғарма банкидаги хусусий ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан «ҳазм» қилиб юборди. Қолган икки миллион рублини эса Ҳ. Мавлонбердиев ҳеч кимдан тап тортмай жамғарма банкидаги хусусий ҳисоб рақамига ўтказди. 1993 йил 1 сентябр кунини Чернишевский шаҳар матлубот жамиятига топширилган 6 миллион

775 минг 480 (18871, 1 килограмм) рубл миқдорига пиёз, 5 миллион 489 минг 220 рубл (20085 килограмм) миқдорига қовун, 1 миллион 437 минг 755 рубл (3386,2 килограмм) қийматидаги олхўри, 2 миллион 791 минг 650 рубл (11933 килограмм) миқдорига шафтоли, 6 мил-

етказилган зарарни қоплаш учун лойиқ деб топилган бир қанча қимматбаҳо мол-мулкларни рўйхатга олинди. Жинсий гуруҳнинг 4 та фаол аъзолари дарҳол қамоққа олинди.

Ширкатлар уюшмасига тегишли бўлган, лекин Абдуҳаким Ҳасанов томонидан гайриқонуний равишда сотиб юборилган 24 донга от арава хўжаликка қайтарилди. Тергов давомида улар дастлаб «Маҳсулот йўлда чириб кетди», «Олувчи томон шартномага хилоф равишда уни қабул қилиб олмади» қабилидаги баҳоналар «тўқиш»ди. Текширув давомида уларнинг барча вазилари ёлгон бўлиб чиқди. Наҳотки, улар беш панжани оғизга тикқан, шунчалик баднафелик қилишган бўлса-я, деб ҳайрон қоласиз. Бу биргина мисол, холос. Бундайларни ким, деб аташ мумкин. Улар бир зум бўлсин «Мен кимнинг ҳақини сепман, Ватан ва миллатим ўз бошидан ўтиш даври мураккаблиklarини кечираётган бир даврда меннинг шу ишим тўғрими-кан» деб уйлашганмикан. Бу деҳқоннинг, қолаверса оддий халқнинг нонини туя қилиш эмасми. Бунини Ватан ва миллатга хоинликдан бошқа нарсая, деб баҳолашмаслик лозим.

Хулоса қилиб айтганда, демократик, адолатли, фуқаролар жамиятини қуриш учун, юртбошимиз таъкидлагандек, унинг ҳар бир фуқароси Ватан ва миллат тушунчаларини муқаддас санаши, ҳуқуқий онги юксалиши, тор ва майда манфаатлардан устун туриши, ҳар томонлама камолга етган етук шахс бўлмоғи лозим. Биз ана шунда кўзланган мақсадимизга янада тезроқ эришишимиз мумкин.

Толибжон УМАРОВ, Ховос туманлараро прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

### Олам мунаввар бўлди Наврўздан



Тошкент туманидаги Фуломмаҳмуд Абдуллаев номи жамoa хўжалигида Наврўз тантаналари давом этаётган. Маҳаллаларда бўлиб ўтаётган шодоналарда ёзилган дастурхонга баҳор таомлари — сумалак, халим, кўк сомсалар тортиляпти. Хўжалик деҳқонлари баҳорги ишларни ҳам бошлаб юборишда. Айни кунларда эртга сабзавот экинларига ишлов бериш ҳам бошлаб юборилди. СУРАТДА: Наврўз байрами тантанасидан лавҳа. Р. НУРИДИНОВ олган сурат.

### • Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим

Ибтидоий жамoa даврида инсонлар ярим ёлгон, бўйни ва оёқларига оддий тош ва чиганоқларни тақиб юришган. Кейинчалик қимматбаҳо тош ва металлдан турли хилдаги тақинчоқлар ясаган. Бухоро музей кўриқхонасининг археология фондида сақланаётган кўпгина қадимий топилмалар шундан далолат беради. Бехос, авлод-аждодларимиз санъатига тасаннолар айтсан киши. Биз Бухоро давлат музей кўриқхонаси археология сектор мудири Ю. Ҳамроева билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Юлдуз опа, музейдаги буюмлар жуда ҳам қадимий. Эҳтимол, Исломи дингача бўлган даврга тегишлидир. Ҳар қалай, улар ҳақида сиз кўпроқ маълумотга эгасиз...

— Бу ҳақда гап кетар экан, хозирги Навоий вилоятидаги Конилик, Қизилтепа туманларида 70-йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти ходимлари томонидан олиб борилган археология қазил ишлари пайтида топилган, Исломи дингача бўлган мазор, қургонлар хусусида тўхталмай ўта олаймиз. Айниқса, аёл қабрларидан топилган ашёлар киши эътиборини ўзига жалб этади. Қадимда бу қабрларга биринчи навбатда оналик ва ҳосилдорлик худоси «Анахит» хайкалчаси қўйилган. Шунингдек, хозиргида қадимда ҳам аёллар ниҳоятда улуғлини келинган. «Анахит» худосининг аёл шаклида берилиши, оналик фалокат ва бахтсизликлардан фақат она асрай олиши билан боғлиқдир. Шунингдек, аёл қабрларида узуклар, сиргалар, кўз мунчоқ ва мунчоқлар, билан кузуклар, тошбақа, шер шаклидаги мунчоқ орасида тақилади-

ган зебу-зийнатлар, камарбандлар, турли хажмдаги сопол идишлар мурда билан биргалик-

### ВАЙРОНАЛАР ОСТИДАГИ ҲАҚИҚАТ

да қўйилган. Чунки ўша давр урф-одатига кўра бу дунёда яшаган одам, у дунёда ҳам ҳаётини давом эттиради деб уйлаганлар ва ҳаёт учун керак бўлган буюмларни қўйганлар. Бу буюмлар шунчалик нафис ишланганки, қадимда ота-боболаримиз шунчалик катта маҳоратга эга бўлганликларидан гурурланиб кетасан, киши.

— Хозирги Қорақўл туманида қадимий шаҳар вайроналари мавжуд. Табиийки, улар остидан қўллаб «очилмаган» тарих чанг босиб ётгандир?

— Бу ерда Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти томонидан қазил ишлари олиб борилмоқда. Урта (V-XI) асрларда «Савдогарлар шаҳри» деб номланган 21 гектарлик майдонга эга бўлган бу шаҳардан топилган ашёлар музей кў-

риқхонасининг археологик фондига топширилмоқда. Улар орасида аёлларга тегишли тақинчоқ ва буюмлар мавжуд. Бундан ташқари, фил сўягидан ясалган тўғночлар, тумалар, катта-кичик сурмажўшаклар, узук ва халқалар топилган.

Собиқ иттифоқ даврида вилоятимиз ҳудудида олиб борилган археологик қазилар вақтида топилган ашёларнинг ҳаммаси ўзимизда қолдирилганда эди, музей заллари бундан ҳам бойроқ, гўзалроқ ва мазмунлироқ бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу масаланинг умумдавлат аҳамиятига эга эканлигидан далолат беради. У, шубҳасиз, ана шу келтирилган тўғрилик, халқ маънавиятини бойитиш, ҳар бир экспонатни кўз қорачиқдек асраб, келажак авлодларга етказишга даъват қилади. Имкониятдан фойдаланиб, бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Маълумки, Бухорода қўллаб археологик ёдгорликлар бор. Уларнинг бир қисми илмий асосда ўрганилган, менимча, тарихимизни янада яхшироқ билиш уни янги маълумотлар билан бойитиш учун Бухорода «Археологик марказ» ташкил этилса, ўтмишимизнинг янги-янги кирраларини очиш йўлида янги ишларни яратилган бўлур эди.

Манин ОТАБОЙ, «Халқ сўзи» муҳбири.

"Ўздунробита" ўзбек-америка қўшма каттакли алоқа корхонаси  
Ўзбекистон Республикаси Президентини Исломи Абдураҳимовичи Каримовичи  
1995 йил 26 март Референдумида унга умумхалқ ширини билдирилгани ва  
ваколатинини 2000 йилгага узайтирилгани тўғрисида билан самимий  
табриклайди. унга тўхташма соғлиқ, хурсандчилик ва бахт,  
Ўзбекистон халқинини фаровонлиги ва умлаб-яшнаши йўлидаги  
ислохотларни амалга оширишда улкан муваффақиятлар  
тиллайди!

**Катакли алоқа - телефонларнинг асили!**  
Тошкент, Урганч, Самарқанд ва Қаршида катакли алоқа станциялари муваффақиятли ишлаб турибди. Бошқа шаҳарлар - навбатда. Асосий транспорт магистраллари бўйлаб жадал алоқа тармоқлари қурилади.  
**Катакли телефон— ҳар доим амал қиладиган алоқадир.**



**UZDUNROBITA**  
cellular

"Ўздунробита"



